



РАНГНИНГ БАДИЙ МАНТИҚНИ ЙЎНАЛТИРУВЧИ ВАЗИФАСИ

Абдурахмонов Абилжон Абдусаматович

Фарғона давлат университети докторанти, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7180753>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 05th October 2022

Online: 10th October 2022

KEY WORDS

ранг, қора, рамз, тушунча,
таъсир, давр, қаҳрамон,
муносабат.

ABSTRACT

Ушбу мақола рангинг замонавий ўзбек насрида рангинг бадий мантиқни йўналтирувчи вазифаси тадқиқ этилади. Қора рангинг замонавий ўзбек насрида европача глобаллашган рамзий ифодаланиши Назар Эшонкулнинг “Қора китоб” қиссаси мисолида кўрсатиб берилади. Қора ранг бадий мантиқнинг ижодий хулосага боришида таянч нуқталар вазифасини бажарши исботланади.

Замонавий ўзбек насрида рангинг бадий ғояни шакллантиришдаги аҳамияти ошиб бориши кузатилмоқда. Буни насрий асарларда ҳам рамзлар воситасида фалсафий мулоҳазаларни ёрқинроқ ифодалашга интилишнинг фаоллашуви, шунингдек, адабий жараёнлар глобаллашувининг маълум даражада миллий адабиётимизда акс этиши ҳам деб баҳолаш мумкин.

“Ҳар қандай рангни сўз каби ўқиш мумкин, ёки сигнал, ишора ёки белги сифатида талқин қилиш мумкин” [1.285] Дарҳақиқат, одамлар узоқ вақт давомида рангларни махсус маъноларга, махфий ифодаларига эга бўлишган. Ранглар рамзлари узоқ тарихга эга. Бу афсоналар, эртаклар, қадимий ривоятлар, эътиқод ва хурофотлар, аجدодларимиз урф-одатларида акс этади. Шу билан бирга, ранглар нафақат мавҳум тушунчаларни, балки ўзига хос ҳодисаларни ҳам рамзийлаштиради. Масалан, одамларнинг ижтимоий ҳолати,

уларнинг турли хил психологик ҳолатлари. Бу маълум рангдаги кийимларни, халқ сўзлари, маросимларни ва бошқаларни танлашда ўзини намоён қилди. Турли хил халқлар рангларнинг бугунги кунгача сақланиб қолган маълум бир рамзийлигини яратдилар. Гёте таъкидлаганидек, “ҳар бир ранг нафақат психофизик ва символик маъногагина эмас, балки “ҳиссий”, “ахлоқий таъсир”га ҳам эгадир.”[1.200]

Назар Эшонкулнинг бадий ғоя ифодасида рангдан фойдаланишнинг бу хилда ёндашувини “Қора китоб” ҳамда “Тобут” қиссаларида ҳам кузатишимиз мумкин.

“Қора китоб” қиссаси номланишининг ўзиёқ рангинг асар моҳиятида муҳим ўрин тутишидан дарак беради. Қиссада қора ранг бадий мантиқни йўналтирувчи вазифани бажаради. Асар таркибидаги барча тушунчалар айнан шу қора рангинг рамзий тушунчасидан



таъсирланиб, унинг орбитаси бўйлаб тизимлашиб ҳаракатланади. Эътиборлиси, ўша қора ранг айнан қизил эшикли вайрона уйдан бошланади. Бу ўзига хос фалсафий-рамзийлик касб этади. Чунки бу ўринда қизил рангнинг икки тушунчани рамзий ифодалашини англаш мумкин бўлади. Биринчиси, мафкуравий-ғоявий муносабатда асар воқелиги даврида қулаб бораётгна вайрона “шўролар” империясининг рамзига ишора берса, иккинчиси эса нафс “ҳирси”ни ифодалашда қўлланади. Уларнинг ичида эса шайтоннинг қора касофатлари юзага чиқиши тасвирланади.

Қисса қаҳрамони ҳам “Маймун етаклаган одам” ҳикоясидек – рассом. Бу билан афтидан, ёзувчи қаҳрамонлар психологиясини рассомларга хос ранглар воситада очишга эришиш учун ҳаракат қилгандек таассурот ҳам уйғотади. Фақат бунда бевосита у ровийлик қилади. Ёзувчи ушбу асарда ҳам қора рангга европача анъанага хос – негативликни: шайтон, дўзах, наҳс-ҳирсни ифодалашига кўра мурожаат этади.

Уни бу кўчада илгари кўрган эмасман, тўсатдан пайдо бўлиб қолди, бу одам ўзининг маймоқлиги, ҳаддан ташқари қилтириқлиги билан эмас, кўзларида дўниб қолган қаҳр ва мунг билан мени лол қолдирди. У пайтлари ҳамма нарсага қизиқувчан ва ичимга нима солишса, ўша билан тўладиган ёшда эдим. Мен уни ҳар куни бу овлоқ ва кўпдан буён одам қадами тегмас кўчада учратар, гўё у менинг қайтишимни пойлаб ўтиргандай, мени кўргач, шу кўчадаги қизил эшикли ҳовлига кириб кетарди. [3.57]

Маълум бўлишича, шайтон йўлига кириб “қора китоб”ни тутган ушбу кимса ўз фарзандларига ҳам уни ёд олдиради. Охир оқибат шайтон уни танига кириб бошқараётганлигини англаб етади. Ҳаттоки, суюкли қизи шайтондан ҳомиладор бўлади. Бу даҳшатдан хабардор бўлгач шайтоннинг авлоди дунёга келмаслиги учун ўз қизини бўғиб ўлдирганини ҳикоя қилиб берувчи рассомнинг тақдирида воқелар бевосита қора ранг бириккан тушунчалар иштироқида содир бўлиши тасвирланади.

Китоб қироати менинг ақлимни жодулаб қўйганди ва мен, тақсир, кейинчалик улуғ гуноҳ бўлажак иш қилдим: китобни токчадан олдим, ҳовлидан чиқиб кетдим.... Китобни қўлтиқлаганча ўз уйимизга югуриб кирдим ва тўғри ертўлага кириб, китобни эски латта-путта орасига яширдим. Сўнг бир ҳафтача кутдим, ҳеч ким китобни сўраб келмагач, аста ертўлага тушдим ва мен ҳам чўққисоқолга тақлид қилиб қироат билан ўқий бошладим: аввал сўзларни талаффуз қилишим қийин бўлди, шу сабабли қироатим ҳам пашша ғинғиллашига ўхшаб чиққан бўлса ажаб эмас, бироқ бу қора муқовали китоб менинг умримнинг бир қисмига айланди ... Китоб мени жодулади - қўйди. Ундан бош кўтаролмай қолдим. [3.59]

Рангнинг иштирокини тадқиқ этишда ҳикоядан қисса ҳажм жиҳатидан катталигини инобатга олиш баробарида, ранг асарнинг айнан қайси қисмида қўлланганлиги ҳам муҳим ғоявий-композицион аҳамият касб этади.

“Қора китоб” қиссаси матнида 22 ўринда 24 марта қора ранг учрайди.



Қора ранг лойқа, ҳаёл, китоб, ҳаёл, китоб, кийим, ҳаёл, рўй, китоб, ҳаёл, китоб, китоб, китоб, китоб, ҳоқи туруп, кийим, дафтар, китоб, қўйин, сел, чехра, китоб

тушунчалари бўйлаб ўзининг рамзий ифодасини ўтказгани ҳолда ғоявий-эстетик хусусиятларни бўрттиришга хизмат қилади.

т//р	саҳифаси	Сўз бирикмаси	изоҳ
1.	2	тим қора лойқа	
2.	4	қора ҳаёл	
3.	11	қора муқовали китоб	
4.	13	қора ҳаёл, қора китоб	Бир гапда
5.	14	қоп-қора кийиниш	
6.		қора ҳаёл	
7.	15	қора сийрат, қора кийинар	Бир гапда
8.		рўёдек қоп-қора	
9.		қора китоб	
10.		қора ҳаёл	
11.	16	қора китоб	
12.	19	қора муқовали китоб	
13.		қора муқовали китоб	
14.	32	қора муқовали китоб	
15.	34	ҳоқи туробдек қоп-қора	
16.	34	қора кийимда	
17.	41	қора муқовали дафтар	
18.	45	қора китоб	
19.	46	қоп-қора қўйини	
20.	50	қоп-қора сел	
21.	51	қорайган чехра	
22.	58	қора китоб	

Жадвалдан маълум бўладики, 13-саҳифасидан 16-саҳифага қадар қора рангнинг фаоллиги ошиб, 10 марта қўлланади: қора ҳаёл, китоб, кийим, сийрат, рўё тушунчаларига бирикиб келиб бадий мантиқни ўз рамзий хусусиятларига хос “туслантиради”. Айни шу ўринларда асар ривож юз беради. Кульминацияси 50-51- саҳифада кўринади.

Асар сўнгида “қора китоб” аслияти маълум бўлади.

Мен топиб олган китоб Иблис китоби эди. Иблис умрини менинг умрим орқали тиклаган эди, ўз умримни, болаларимни Шайтон сухуфлари билан тарбия қилган эдим: Менинг умрим шайтоннинг умрига айланган эди. Шайтон китоб тимсолида ҳаётимга кириб келган ва барча нарсани ўзиники қилиб олганди. [3.101]

Қиссадаги 22 ўринда келган қора ранг рамзийлигининг бадий мантиқни йўналтиришдаги манзил нуқтаси аёнлашади.



Демак, рангнинг ҳикояга қараганда ҳажм жиҳатидан каттароқ бўлган қиссадаги фаол иштироки бадиий ғояни йўналтиришдаги муҳим аҳамият касб этади. Бу унинг асар ғоявий-эстетик

хусусиятларини ёритишдаги ўрни ва қимматини кўрсатади.

References:

1. Миронова Л. Н. Цветоведение.– Минск: Вышэйшая школа, 1984.
2. Гёте И. В. Учение о цвете. Теория познания. 3-е изд.и – М.: 2012.
3. Назар Эшонкул. Маймун етаклаган одам. Қиссалар ва ҳикоялар. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.